БПК

05 2019

БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ / РЫНОК, ДЕНЬГИ И КРЕДИТ

Илмий-амалий ойлик журнал

Ежемесячный научно-практический журнал

ЛИЗИНГ – МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИБ, КЕЛАЖАКНИ ЯРАТАДИ

28-БЕТ

★ «САВДОГАРБАНК»НИНГ ЧОРАК АСРЛИК ФАОЛИЯТИГА НАЗАР – 4-БЕТ

● АКТИВИЗАЦИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ НА ФОНДОВОМ РЫНКЕ УЗБЕКИСТАНА – СТР. 14

● ЎЗБЕКИСТОНДА ПУЛ МАССАСИНИ ОШИРИШНИНГ НОИНФЛЯЦИОН ЙЎЛЛАРИ – 20-БЕТ

ISSN 2010-6580

TRASTBANK

ТОМА-ТОМА
КЎЛ БЎЛУР

"ЭЛИТА"
ОМОНАТИ
ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА
6%

25 ЙИЛ
ИШОНЧ БИЛАН
ЮЗМА-ЮЗ!

Тел.: (+998 71) 140-00-88 www.trustbank

Хизматлар лицензияланган

AGROBANK

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

Агробанк оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватламоқда

Шиддат билан юксалаётган бугунги замонда аҳоли сони ҳам соат сайин ўсиб бормоқда. Йилига ярим миллион нафардан кўпайиб бораётган юртимиз аҳолисининг рўзғори бутлигига эришиш, инсонларни иш билан таъминлаш масаласини ҳал этиш эса давлат олдига янги талаблар қўймоқда. Бунда ҳар бир оиланинг тадбиркорлик ресурсларидан фойдаланишини эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Шу боис кейинги йилларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнеснинг ушбу шакли билан шуғулланаётганларга имтиёзлар бериш ҳамда имкониятлар яратиш чоралари кўрилмоқда. Энергия ресурслари тўловидаги имтиёзлар, маҳсулотни сотишдаги эркинлик, кредит бериш кабилар шулар жумласидандир.

Бошқа молия муассасалари каби «Агробанк» АТБ ҳам бу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатлар бунинг ёрқин ифодасидир.

Шу ўринда банкнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишларга назар ташласак, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, уларнинг ўз хонадонларида ўз бизнесларини бошлашлари, рўзғорини обод этиб, даромадга эга бўлишларида молиявий кўмак берилаётганлиги таҳсинга лойиқдир.

Жумладан, «Агробанк» АТБнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида 138 миллиард 48 миллион сўмлик кредит маблағларини йўналтирди. Натижада 8150 киши ўз бизнесини бошлади. Аббос Панжиев банкнинг Нишон филиалидан иссиқхона ташкил этиш мақсадида 25 миллион сўмлик кредит олган эди. Ҳозирда ушбу хонадон аъзолари иссиқхонада помидор, бодринг кўчатлари етиштириб, аҳолига етказиб бермоқда. Агробанкнинг Косон филиалидан кредит олган Отабек Равшановнинг ҳам хонадонида даромад ошиб бормоқда. Зеро, чорвачиликни ташкил қилиш учун олинган 30 миллион сўмга харид қилинган наслли қорамоллар бугунга келиб маҳсулот бермоқда.

– Анчадан буён уйда товуқ парваришини йўлга қўймоқчи эдим, – дейди Шаҳрисабз филиали мижози, якка тартибдаги тадбиркор Жавоҳир Пардаев. – Бироқ етарлича маблағим йўқлиги сабаб шу ишни бошлай олмай тургандим. Ҳарқалай, бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак, дегандек, уларни ўз вақтида эмлашни ҳам ташкил этиб туриш лозим. Ана шундай вазиятда менга ажратилган 100 миллион сўмлик кредит мушкулимни осон қилди. Биз гўшт йўналишида паррандалар парваришлашни бошладик, дастлабки маҳсулотларни бозорга чиқариш арафасидамиз.

Ҳа, юртимизда ўз бизнесини бошлаб, оиласи даромадини ошираётган юртдошларимиз кўпчиликни ташкил этади. Бири чорва билан шуғулланиб, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга ҳисса қўшса, бошқаси кўркам либослар тикмоқда.

– Уйда қўни-қўшнининг кийимларини тикиб бераман, – дейди Китоб филиали мижози Дилафрўз Жабборова. – Ўзим тикувчиликни ўқув курсларига бориб ўрганганман. Албатта, турли бичимдаги либослар тикишга жуда қизиққаним учун, янги фасондаги кўйлаклар тикишни хоҳлардим. Анчадан буён тикувчиликни бошлаш ниятида эдим. Яқинда банкдан тикувчиликни йўлга қўйиш учун 25 миллион сўмлик кредит олдим. Ҳозирда аҳолига турли бичиш-тикиш хизматлари кўрсатиб, пардалар, аёллар учун кийим-кечаклар тикиб беришни бошладим.

Албатта, «Агробанк» АТБ томонидан берилаётган маблағлар ҳар бир оиланинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ҳамда барқарор даромад манбаига эга бўлишида қўл келмоқда.

«Агробанк» АТБ Матбуот хизмати.





/AgrobankChannel
/agrobankuzbekistan
Agrobank Mobile иловасини юклаб олинг
Download on the App Store
GET IT ON Google Play
www.agrobank.uz
Тел.: 71 203 88 88
Хизматлар лицензияланган

БПК 5/2019
Май (264)
Бозор, пул ва кредит
Илмий-амалий ойлик журнал
1996 йил сентябрдан нашр этилмоқда

БУ СОНДА
В НОМЕРЕ

БАНК ФАОЛИЯТИ

4 *В. Умиров*
«Савдогарбанк»нинг чорак асрлик фаолиятига назар

РАЗВИТИЕ ФОНДОВОГО РЫНКА

14 *С. Элмирзаев, У. Мусаева*
Активизация деятельности коммерческих банков на фондовом рынке Узбекистана

МОНЕТАР СИЁСАТ

20 *Ф. Умирзоқов*
Ўзбекистонда пул массасини оширишнинг ноинфляцион йўллари

РЫНОЧНАЯ ИНФРАСТРУКТУРА

28 *Ш. Бозаров*
Современный лизинг в Узбекистане: некоторые проблемы и пути их решения

КОРПОРАТИВНОЕ УПРАВЛЕНИЕ

38 *З. Ашуров*
Перспективные направления дальнейшего развития системы корпоративного управления Узбекистана на основе международных стандартов

СОЛИҚ ИСЛОҲОТЛАРИ

46 *А. Турсунов*
Ердан самарали фойдаланишни таъминлашда солиққа тортиш механизмининг таъсири таҳлили

БЮДЖЕТ СИЁСАТИ

54 *Т. Пардаев*
Божхона тўловларини қўллашни оптималлаштириш – иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

62 *Ф. Мусаева*
Ўзбекистонда тадбиркорлик – ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш омили

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

70 Халқаро иқтисодиёт қисқа сатрларда

Contents

May №5 (264), 2019 year

BANKING ACTIVITIES

4 ***V. Umirov***
Look at the quarter-century activity of "Savdogarbank"

DEVELOPMENT OF STOCK MARKET

14 ***S. Elmirzaev, U. Musaeva***
Activation of the commercial banks on the stock market of Uzbekistan

MONETARY POLICY

20 ***F. Umirzoqov***
Non-inflationary ways to increase the money supply in Uzbekistan

MARKET INFRASTRUCTURE

28 ***Sh. Bozarov***
Modern leasing in Uzbekistan: some problems and their solutions

CORPORATE GOVERNANCE

38 ***Z. Ashurov***
Perspective directions of the further development of the corporate governance system of Uzbekistan based on international standards

TAX REFORMS

46 ***A. Tursunov***
Analysis of the impact of the tax mechanism in ensuring efficient use of land

BUDGET POLICY

54 ***T. Pardaev***
Optimization of the application of customs duties is an important factor in the stable development of the economy

ENTREPRENEURSHIP DEVELOPMENT

62 ***F. Musaeva***
Entrepreneurship in Uzbekistan as the factor of ensuring socio-economic stability

WORLD NEWS

70 International economy in brief

МУАССИС ВА ҲАМКОРЛАРИМИЗ:
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Агробанк, Асакабанк, Алокабанк, Капиталбанк, Микрокредитбанк, Савдогарбанк, ТИФ Миллий банки, Туронбанк, Трастбанк, Халқ банки, Ўзсаноатқурилишбанк, Қишлоқ қурилиш банк, Ипотекабанк, Ипак йўли банки

ТАҲРИР КЕНГАШИ:
М.Б. НУРМУРАТОВ
(кенгаш раиси),
И.И. НОРҚУЛОВ
О.А. БУТАЕВ,
А.Х. ШОДМОНОВ,
Р.О. ОХУНОВ
(бош муҳаррир),
Ш.Т. КАРАЛИЕВ
(кенгаш котиби),
А.Б. ВОИТОВ,
К.Н. ИРИСБЕКОВА,
А.Қ. МИРСОАТОВ,
Ч.С. МИРЗАЕВ,
Б.М. МУЛЛАХОНОВ,
С.Р. НОРМУХАМЕДОВ

ТАҲРИРИЯТ:
Директор:
Г.Н. БЕЗГИН
Бош муҳаррир ўринбосари:
В.С. УМИРОВ
Масъул котиб:
Ф.Т. ИЗЗАТУЛЛАЕВ
Реклама ва маркетинг хизмати раҳбари:
Ғ.Н. ҲАНДАМОВ
Тел.: (+998)71-291-60-20,
(+998)97-752-43-77
(+998)97-752-44-77

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
«БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ» МЧЖ,
Тошкент ш., Толлимаржон кўч., 1/1-уй.
http://www.bpk.uz/
e-mail: info@bpk.uz

Материаллар кўчириб босилаётганда журналдан олингани кўрсатилиши шарт. Юборилган қўлёзмаларни тақриз қилиш ва қайтариб юборишни таҳририят ўз зиммасига олмайди.
Журналнинг обуна индекси: 853
ISSN 2010-6580
Журнал ЎзР Матбуот ва ахборот агентлигида 2014 йил 2 июлда рўйхатдан ўтган.
Гувоҳнома рақами: 0058
Теришга берилди: 24.05.2019 й.
Босишга рухсат этилди: 14.06.2019 й.
Бичими: 60x90/8.
Офсет босма усулида чоп этилди.
Шартли босма табоғи: 9.0.
Буюртма № 51. Адади: 2650.
«Lux Print» МЧЖда чоп этилди
(Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Толлимаржон кўчаси, 1/1-уй).
Баҳоси шартнома асосида.

МУАЛЛИФЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Бозор, пул ва кредит» журналида мақолангизни чоп этмоқчи бўлсангиз, уни фақатгина электрон кўринишда қуйидаги манзилга юборинг: **info@bpk.uz**

Таҳририят томонидан қабул қилинадиган мақолаларга талаблар билан журналимизнинг www.bpk.uz сайти орқали танишишингиз мумкин.

Эслатма: муаллифлар кўрсатилган электрон манзилга мақола юборишда исми, фамилияси, лавозими, илмий даражаси, иш жойи ва боғланиш телефонларини аниқ кўрсатишлари ва мақоланинг инглиз тилидаги аннотациясини юборишлари шарт.

Мазкур молия-кредит муассасаси эришган марралар, унинг ҳозирги куни ва бўлғуси режалари ҳақида Банк Бошқаруви Раиси Суръат Марифович Мансуров билан суҳбатлашдик.

– Суръат Марифович, аввалambор, Сизни ва Сиз орқали Банк Кенгаши, Бошқаруви аъзоларини, кўпсонли меҳнат жамоасини, қолаверса, банк мижозлари ва ҳамкорларини «Савдогарбанк» ташкил этилганлигининг 25 йиллик тўйи билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз. Чорак аср катта муддат, албатта, бу орада республика банк тизими шаклланди, мустаҳкамланди ва оёққа турди. Шубҳасиз, бунда «Савдогарбанк»нинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Тарихга назар солиб, банкнинг ривожланиш босқичлари ҳақида гапириб берсангиз.

– Тўғри айтдингиз. Банкимиз ташкил этилган санага эътибор қаратадиган бўлсак, ўша йилнинг 1 июлидан миллий валютамиз – сўм юртимиз ҳудудида ягона тўлов воситаси сифатида муомалага киритилган эди. Мана шундай вазиятда ташкил этилган «Савдогарбанк» ҳам миллий валютамизни барқарорлаштириш, банк тизимини, қолаверса, тўлов тизимини тобора мустаҳкамлаш ишида баҳоли-қудрат иштирок этгани бизни қувонтиради, албатта.

1998 йили «Савдогарбанк» ва «Енгилсаноатбанк» бирлаштирилди ва Устав капитали 1 млрд. сўмга етказилди. 2000 йили ЎзР ВМ қарори билан «Савдогарбанк» «Мевасабзавотбанк» билан қўшиб юборилиши натижасида Устав капитали 1,5 млрд. сўмга етказилди, филиаллар сони эса 10 тага ошди.

2005 йили Германиянинг «R&D Express-Ausenhandels» компанияси «Савдогарбанк»нинг 2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 40 фоиз акциясини сотиб олди ва банк чет эл капитали иштирокидаги банкка айланди ҳамда устав капитали миқдори 8,0 млрд. сўм (5 млн. АҚШ доллари эквиваленти)га етди.

Суръат Марифович Мансуров,
Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар» акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Раиси

2006 йил 22 июндаги ПФ-3764-сонли Фармонга асосан «Савдогар» ихтисослаштирилган акциядорлик тижорат банкининг улуши хорижий инвестор томонидан сотиб олиниши муносабати билан банкимиз Ўзбекистон-Германия «Савдогар» очиқ акциядорлик тижорат банкига айланди. 2010 йили эса АҚШнинг «ALL AMERICAS INTERNATIONAL, INC.» Корпорацияси банк устав капиталига 3 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ киритиши банкнинг хорижий акциядорлари сони яна биттага ошиши баробарида банк устав капиталининг миқдори 22.1 млрд. сўм (10 млн. евро эквиваленти)га етишини таъминлади.

2012 йили банкнинг хорижий акциядорлари сони учтага етди. Сингапурнинг «Kito Investment» компанияси банкнинг 3 млн. АҚШ доллари миқдоридаги акцияларини сотиб олиши муносабати билан банк номи Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар» акциядорлик тижорат банкига ўзгартирилди ва банк устав капитали миқдори 30 млрд. сўмга етди.

2013 йили Банк акциядорлари таркибида яна бир хорижий инвестор пайдо бўлди. Astrata AG (Швейцария) банкимизнинг 25 фоиз акциясини сотиб олиши натижасида банк устав капиталининг миқдори 42 млрд. сўмга етказилди. Шу йили Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманида банкнинг «Шайхонтоҳур» филиали мижозларга хизмат кўрсата бошлади.

– Суръат Марифович, банк фаолият кўлами ҳақида тасаввурга эга бўлишимиз учун унинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари билан таништириб ўтсангиз.

– Бунинг учун банкимизнинг 2018 молиявий йилдаги фаолияти асосий кўрсаткичлари билан танишиб чиқишни тавсия

Банк активлари миқдори 2019 йил 1 январь ҳолатига 678 млрд. сўмга етди. 2018 йил августда «Moody's» халқаро рейтинг компанияси Банкнинг кредитга лаёқатлилиги бўйича «Барқарор» рейтингини қайта тасдиқлади.

«САВДОГАРБАНК»НИНГ ЧОРАК АСРЛИК ФАОЛИЯТИГА НАЗАР

Жорий йилнинг май ойи Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар» акциядорлик тижорат банки солномасида муҳим тарихий сана сифатида из қолдирди. 12 май куни банк ташкил этилганининг 25 йиллиги кенг нишонланди.

Бундан чорак аср муқаддам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 18 мартдаги ПФ-794-сонли Фармонига асосан аҳолининг товарларга бўлган эҳтиёжини қондириш ва ички бозорни улар билан тўлдириш, шунингдек, республика савдо тармоғи фаолиятини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» акциядорлик тижорат банки ташкил этилган ҳамда 1994 йил 12 майда 42-сонли билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатга олинган эди. Ўша йилиёқ барча вилоят марказларида ва республикамизнинг айрим туманларида банкнинг жами 19та филиали очилган эди.

20та филиалимиз (Тўрткўл, Андижон вилоят филиали, Бухоро вилоят, Дўстлик, Қашқадарё вилоят, Навоий вилоят, Наманган вилоят, Самарқанд вилоят, Ургут, Иштихон, Улуғбек, Денов, Фарғона вилоят, Хоразм вилоят, Ғазалкент, Қибрай, Зангиота, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур, Амалиёт бошқармаси)да мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича штат бирликлари ажратилди, уларда мижозларга банк хизматлари ва маҳсулотлари тўғрисида дастлабки тушунтириш берувчи мутахассис лавозимлари зарур ходимлар билан бутланди.

Мижозларга хизмат кўрсатишда қулайликлар яратиш мақсадида яна 5та: Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳри, Тошкент вилоятининг Зангиота тумани, Навоий вилоятининг Қизилтепа тумани, Фарғона вилоятининг Фурқат тумани, Самарқанд вилоятининг Ургут шаҳрида мини-банклар ташкил этилди.

– Филиал тармоғини кенгайтириш баробарида бугунги кунда замонавий банк хизматлари ривожини ахборот технологияларисиз ҳам тасаввур этиш қийин. Нима деб ўйлайсиз, банкда бу борадаги ишларнинг аҳволи қай даражада қониқарли?

– Жуда тўғри савол. Бугун ахборот технологиялари омилини эътибордан четда қолдирган банк ўз навбатида мижозлар ва аҳоли эътиборидан ҳам қолиши шубҳасиз. Шу муҳим омилни назарда тутган ҳолда биз мижозларимизнинг вақтини ва маблағларини тежаш мақсадида турли дастурий таъминот ва иловалардан унумли фойдаланиб келмоқдамиз. Қолаверса, хорижий ҳамкорларимизнинг ишларни замонавий услубда ташкил этиш бўйича талаблари ҳам шуни тақозо қилади. Ҳозирда банкимизда юридик ҳамда жисмоний шахслар учун алоҳида-алоҳида мобиль иловалар, «Онлайн конверсия», «Онлайн омонат» хизматлари, жисмоний шахслар учун «Savdogar Mobile» дастури жорий этилган, savdogarbank.uz корпоратив сайтимизда «Шахсий кабинет» ишлаб турибди, «Ҳумо» миллий пластик карта дастури хизмат турлари амалиётга татбиқ этилди.

Бундан ташқари, куну тун ишлайдиган автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчалари ташкил этиш бўйича олиб борилган ишлар натижасида 10та шундай шохобчалар Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл тумани, Андижон шаҳри, Бухоро шаҳри, Самарқанд шаҳри, Самарқанд вилоятининг Самарқанд тумани, Фарғона шаҳри, Хоразм вилоятининг Урганч шаҳри, Тошкент вилоятининг Қибрай тумани, Тошкент шаҳрининг Юнусобод ва Шайхонтоҳур туманларида ташкил этилди. Уларнинг хизматидан жойлардаги аҳоли туну кун баҳраманд бўлмоқда.

– Бу ишлар пластик карталардан фойдаланувчилар сонини оширишни назарда тутади, албатта, шундай эмасми?

– Банк оммабоплигини ошириш борасидаги чора-тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши пластик карталардан фойдаланувчилар сонининг ортишини тақозо қилади, чунки ахборот технологиялари билан боғлиқ банк хизматлари аксарият ҳолларда карточка мавжуд бўлишини назарда тутади. Банкоматлар орқали нақд пул ечиш, маҳсулот ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш, конверсия операциялари ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Шу боис «Сав-



этаман («Банк ахборотномаси» газетаси, 8-сон, 21.02.2019 й.). 2018 ҳисобот йили ҳам банкнинг ривожланиш тарихида муҳим йил бўлди. Мамлакатимиздаги қулай иқтисодий муҳит, банк молия-тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кўламларини кенгайтириш бўйича қабул қилинган дастурларнинг амалга оширилиши банкнинг муваффақиятли фаолият юритиши учун кенг имкониятлар очиб берди. Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банкка бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, сифатли банк хизматларини таклиф этиш ҳисобидан банк тизимида рақобатбардошлик муҳитини шакллантириш учун зарур шароитлар яратилди.

Ўтган 2018 йил маълумотлари банкнинг барқарор ўсиб бораётганлигини намойиш қилади. Энг муҳим кўрсаткичларга келадиган бўлсак, банк активлари миқдори 2019 йил 1 январь ҳолатига 678 млрд. сўмга етди. 2018 йил августда «Moody's» халқаро рейтинг компанияси Банкнинг кредитга лаёқатлилиги бўйича «Барқарор» рейтингини қайта тасдиқлади. Бундай рейтинг банк ўз акциядорлари, мижозлари ва ҳамкорларининг ишончини оқлаётганидан, қолаверса, том маънода «барқарор» молия-кредит муассасаси эканлигидан далолат беради.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3620-сонли қарори ижросини таъминлаш борасида банкнинг аҳоли кенг қатламларини қамраб олиш бўйича саъй-ҳаракатлари қай даражада самарали бўлмоқда?

– Банк мижозларга имкон қадар яқин бўлиш, уларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида республикамиз ҳудудида 20та филиал, 18та мини-банк ва 28та махсус касса ҳамда 24та халқаро пул ўтказиш шохобчалари орқали фаолият кўрсатиб келмоқда. ПҚ-3620-сонли Президент қарорига келадиган бўлсак, унинг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар филиали ишини намунавий филиал сифатида ташкил этдик. Шунингдек, банкимизнинг 9та филиали, яъни Дўстлик, Шайхонтоҳур, Самарқанд вилоят, Иштихон, Зангиота, Амалиёт бошқармаси, Хоразм вилоят, Навоий вилоят ва Фарғона вилоят филиаллари намунавий филиал андозасига мослаштирилди. 12та филиалимиз эса, яъни Андижон вилоят, Бухоро вилоят, Тўрткўл, Наманган вилоят, Қашқадарё вилоят, Улуғбек, Ургут, Денов, Қибрай, Ғазалкент филиаллари фронт ва бек-офис ҳудудларига ажратилди.

Сўнгги вақтларда банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга катта эътибор берилаётганини инобатга олиб, Банкнинг Марказий девонида «Ишонч телефони» жорий қилинди. Мазкур тизим мижозларимиз бўлмиш юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, банк мижозлари бўлмаганлардан келиб тушаётган оғзаки мурожаатларни тезкорлик билан жойида ҳал этиш, банкимиз филиаллари ва мини-банклари ҳамда шохобчаларида таклиф қилинаётган банк хизматлари тўғрисидаги тўлиқ ва батафсил маълумотларни мурожаат этувчиларга тақдим этиш имконини бермоқда ҳамда банк хизматларидан фойдаланувчилар билан ўзаро алоқани жонлантириш ва улар билан фикр алмашишда жуда қўл келмоқда.

догарбанк» пластик карточка эгаларига нақд ва нақдсиз шаклда кўрсатиладиган хизматлар доирасини кенгайтириб ва такомиллаштира бориб, пластик карточкалар бозорида ҳам ўз мавқеини мустаҳкамламоқда.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2019 йил 1 январь ҳолатига муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 247 114 донани ташкил этмоқда. «Савдогарбанк» пластик карточкалари Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги банк филиаллари мижозлари бўлган турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларда иш ҳақи лойиҳалари доирасида татбиқ этилган.

Шунингдек, Банкда аҳолидан электр энергияси, табиий газ ва бошқа коммунал хизматлар бўйича тўловларни йиғиш учун, турғун савдо нуқталарига, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари, дорихоналар, кафе ва бошқа савдо-сервис шохобчаларига 7154та терминал ўрнатилган ва уларнинг сони йил давомида 407тага ошди. Банк томонидан бугунги кунда жами 63та инфокиоск, 33та банкомат ўрнатилган. 2018 йил

2018 йил давомида пластик карточкалар ҳисобрақамлари орқали ўтказилган транзакцияларнинг умумий суммаси 1 трлн. 144 млрд. 201 млн. сўмни ташкил этди.

давомида пластик карточкалар ҳисобрақамлари орқали ўтказилган транзакцияларнинг умумий суммаси 1 трлн. 144 млрд. 201 млн. сўмни ташкил этди. 2019 йил 1 январь ҳолатига пластик карточкалар ҳисобрақамларидаги (жисмоний шахсларнинг) пул маблағлари қолдиғи 27 936 млн. сўм бўлди.

– Корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш борасидаги ишларнинг кўлами ҳақида нима дея оласиз?

– Корпоратив бошқарув масаласи бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири, десак адашмаган бўламиз. Бизда ҳам аввалambor юқори бўғин раҳбар ходимларининг, қолаверса, ўрта ва қуйи бўғин ходимларининг корпоратив бошқарув борасидаги малакаларини юксалтириш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ишларида корпоратив бошқарув тамойилларига алоҳида урғу бериш борасидаги ишларни доимий тарзда амалга ошириб борамиз. 2018 йил 20 декабрда ISO 9001:2015 стандартига асосан менежмент сифат тизимини жорий этиш бўйича сертификат олинганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

– Корпоратив мижозлар билан ишлашда банкда нималарга кўпроқ аҳамият қаратиляпти?

– Ўтган йилларда банк корпоратив мижозлар билан муносабатларни ривожлантиришнинг янги босқичига ўтди. Бу борадаги иш услуби ҳар бир мижозга индивидуал ёндашув ҳамда структураланган банк хизматларини таклиф этишдан иборат. Бунда ҳар бир мижознинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжини максимал даражада қондириш, фаолиятнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш, шунингдек, ўзаро манфаатли ҳамкорлик – Банкнинг ҳам корпоратив, ҳам хусусий мижозлар билан ишни ташкил этишдаги асосий тамойилларидир.

Мижозлар билан ишлаш услубларини мунтазам такомиллаштириш ва банк хизматларининг энг замонавий илғор шаклларини амалиётга жорий этиш йўлида Банк ходимларининг барча саъй-ҳаракатлари натижасида мижозларнинг банк билан ҳамкорлиги катта самаралар бермоқда ва қулайликлар туғдирмоқда.

Бугунги кунда «Савдогарбанк» кенг доирадаги мижоз-

1-диаграмма

Пластик карточкалар (минг дона) ва терминаллар (дона) сонининг ўсиш динамикаси

Манба: *Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар» акциядорлик тижорат банки маълумотлари асосида тузилган.*

SAVDOGARBANK

Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар» акциядорлик тижорат банки Сизларга даромадингизни ошириш мақсадида миллий валютада қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

Омонат турлари:	Муддати:	Йиллик фоизи:
Кафолатли даромад	25 ой	19-20%
Коммунал тўлов	камида 1 йил	15%
Бахтли болалик	камида 10 йил	14%
Кўклам нафаси	2 ой	13%
Даромад плюс	380 кун	20%
Омад қувончи	6 ой	14%
Обод турмуш	1 йил	15%
Яхши ният	1 ой	12%

Омонат турлари:	Муддати:	Йиллик фоизи:
Навбаҳор	10 кундан 1 ойгача	12%
Бойчечак	3 ой	14%
Хазина	6 ой	14%
Барака	1 ойдан 6 ойгача	14%
Мадад	3 ой	14%
Олтин	1-3-6-9 ой	13-14-15-16%
Кумуш	1-3-6-9 ой	12-13-14-15%
Бронза	1-3-6-9 ой	10-12-13-14%

Шу билан бирга, «Савдогарбанк»

HUMO

банк карталарини таклиф этади.

HUMO карталарининг афзалликлари:

1. Тўловларни контактли ва контактсиз (NFS) усулда амалга ошириш.
2. Кичик суммадаги тўловларни ПИН-код киритмасдан амалга ошириш.
3. Тўловларни мобиль телефон орқали картасиз амалга ошириш.
4. Карта маълумотларининг эмбосс усулида чоп этилиши.



Сиз азизларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлаймиз!

Манзилимиз: Тошкент ш., Саид Барака кўчаси, 78-уй. Телефонлар: 71-215-50-29, 71-254-18-65

www.savdogarbank.uz info@savdogarbank.uz Хизматлар лицензияланган

SAVDOGARBANK

Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар» акциядорлик тижорат банки томонидан аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ҳозирда қуйидаги кредит турлари жорий қилинган:

Савдогарбанк пластик картаси орқали микроқарз:

1 йилдан 2 йилгача муддатгача
ЭКИҲ **100 баробаригача**

Тадбиркорлик субъектларига «Савдогарбанк корпоратив картаси» кредит тури тақдим этилади:

3 ойдан 1 йилгача муддатга
ЭКИҲ **300 баробаригача**

Жисмоний шахсларга миллий валютадаги молиявий истеъмол кредитлари қуйидаги шартларда ажратилади:

3 ойдан 3 йилгача муддатга
ЭКИҲ **300 баробаригача**



Жумладан, бугунги кунда Савдогарбанк тизимида вино ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, узумзорлар барпо этиш, мавжуд узумзорларни реконструкция қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги Вазирлиги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги билан узоқ муддатли кредит линияси очилди.

Сиз азизларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлаймиз!

Манзилимиз: Тошкент ш., Саид Барака кўчаси, 78-уй. Телефонлар: 71-215-50-29, 71-254-18-65
www.savdogarbank.uz
info@savdogarbank.uz
Хизматлар лицензияланган

2-диаграмма

Банк мижозлари сони (юридик ва жисмоний шахслар)



Манба: *Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар» акциядорлик тижорат банки маълумотлари асосида тузилган.*

лар билан ҳамкорлик қилмоқда. Уларнинг таркибида йирик саноат корхоналари, қўшма корхоналар, қурилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш, кичик бизнес корхоналари, хусусий тадбиркорлар ва фермер хўжаликлари мавжуд. Ушбу ишлар натижасида Банк хизмат кўрсатаётган мижозлар сони (жисмоний шахслар билан биргаликда) йилдан-йилга ортиб бормоқда ва бу кўрсаткич 2018 йил якуни бўйича 293 336тага етди.

– Суръат Марифович, Банкда кредит сиёсатини амалга оширишда қайси соҳаларга кўпроқ урғу берилмоқда? Рақамлар тилида улар қандай акс этади?

– Банк кредит сиёсатида биз кредит хатарларининг энг паст даражасига эришиш ва мунтазам мониторинг ўтказишга кўпроқ эътибор қаратяпмиз. Кредит операциялари ишончлилигини ошириш ва уларнинг самарадорлигини ўстириш мақсадида кредит қўйилмалари тузилмасини такомиллаштириш Банк кредит сиёсатининг асоси ҳисобланади. Банкимизга янги қарз олувчиларни жалб этиш, шунингдек, доимий тарзда кредитланиб келаётган мижозларга бериладиган кредитлар ҳажмини кенгайтириш бу борадаги ишларимизнинг асосини ташкил этади.

Рақамларга келадиган бўлсак, сўнгги йилларда Банк кредит сиёсати мамлакат иқтисодиётининг реал секторига қарашли корхоналарни устувор кредитлашга қаратилмоқда, албатта. 2019 йил 1 январь ҳолатига кредит қўйилмалари 531 232 млн. сўмни ташкил этган бўлса, Банк томонидан 2018 йил давомида берилган инвестиция кредитлари миқдори 59 335 млн. сўмни, жами инвестицион кредитлар қолдиғи эса 144 493 млн. сўмни ташкил қилмоқда.

Биргина 2018 йилни олади-ган бўлсак, Банк томонидан ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш борасида ажратилган кредитлар миқдори 10 331 млн. сўмни ташкил этди. Ажратилган кредитларнинг 1 124 млн. сўми ипотека, 1 419 млн. сўми истеъмол кредитлари ва 7 788 млн. сўми микрокредитлардир.

– Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хусусан, оилавий тадбиркорликни кредитлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Банкда амалга оширилаётган ишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз.

– Кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Банкимиз фаолиятида ҳамиша устувор ўринни эгаллаб келган. Банк мамлакатимиз ички бозорини истеъмол моллари билан тўлдириш, импорт ўрнини босиш ҳамда қўшимча янги иш ўринларини ташкил этишга кўмаклашадиган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида биргина 2018 йил давомида ўз маблағлари ҳамда жалб қилинган маблағлар ҳисобидан жами 236 745 млн. сўм миқдорида кредит ажратди. Шунингдек, банк томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 13 950 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

– Сўнгги вақтларда мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқалари анча жонланганини эътироф этиш жоиз. Банкда халқаро ҳисоб-китоблар қай йўсин амалга оширилмоқда?

– Бошқа банклар билан вакиллик муносабатларининг янада тараққий топиши «Савдогарбанк»ка ўз мижозларининг

> *Банк томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 13 950 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.*

экспорт-импорт операциялари бўйича халқаро тўловлари сон ва сифат жиҳатдан янги даражада амалга оширилишига бўлган эҳтиёжларини қондириш имконини берди.

«Савдогарбанк» бугунги кунда бир қатор хорижий банклар билан вакиллик алоқаларини йўлга қўйган. Шунингдек, мижозларга кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш ва халқаро андозаларга мос ишлаш усулларига ўтиш мақсадида «Савдогарбанк» 2006 йилдаёқ «SWIFT» халқаро тўловлар тизимига аъзо бўлган эди. Шунингдек, аҳоли учун банк хизматлари кўрсатиш мақсадида 24та шохобчада халқаро пул ўтказиш тизими фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан «Савдогарбанк» томонидан аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида 23та айирбошлаш шохобчаси ва конверсион бўлимлар ташкил этилди.

– Бугунги кунда банк тизими ривожи ахборот технологиялари нечоғли тараққий этгани билан боғлиқ, шундай эмасми?

– Савдогарбанкда ривожланган ахборот инфратузилмаси ташкил этилган бўлиб, барча замонавий талабларга жавоб беради. Мижозларимиз эҳтиёжларини ҳисобга олиб янгидан-янги банк хизматларини ташкил қилиш, банк амалиётлари бажарилишини тезлаштириш, филиалларни бошқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ва улардан унумли фойдаланиш банкимизнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Банкнинг барча филиаллари замонавий компьютерлар, рақамли алоқа каналлари ва маълумотларни қайта ишлаш воситалари билан таъминланган. Мижозларга қулайлик яратиш ва бугунги кун талаби бўлмиш масофадан хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш мақсадида «Интернет-банкинг» дастурий воситасидан кенг фойдаланилмоқда. Ҳозирги кунда «Интернет-банкинг», жисмоний ва юридик шахслар учун «Мобиль-банкинг», «Онлайн конверсия», «Онлайн омонат», «Шахсий кабинет» ва «SMS-банкинг» дастурий воситалари тизимларидан фойдаланаётган мижозлар сони тобора ошиб бормоқда.

Банк фаолиятини самарали бошқариш, назорат ва таҳлилини олиб бориш, қарорларни қисқа муддатларда қабул қилишда ахборот-таҳлилий тизим ишга туширилган ва уни мукаммаллаштириш устида иш олиб борилмоқда.

Ягона баланс тизими асосида ишловчи интеграллашган автоматлаштирилган банк тизими дастурий мажмуаси имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш мақсадида унинг қўшимча дастурий модуллари ишга туширилди.

Банк фаолияти самарадорлигини янада ошириш, ходимларнинг ижро интизомини янада яхшилаш, ҳужжатлар алмашинувига сарфланадиган вақтни тежаш учун электрон ҳужжат алмашинуви дастурий мажмуалари ишлаб турибди.

Фаолиятининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида банк замонавий техник воситалар билан тўлиқ таъминланган ва зарур дастурий таъминотлар ўрнатилган.

– Ҳозирда банк тизимидаги кучли рақобат шароитида банк эгалланган марраларни тутиб қолиши ва янада ривож топиши кадрлар сиёсати нечоғлик тўғри амалга оширилаётгани билан боғлиқ эмасми?

– Ҳозирги вақтда «Савдогарбанк»нинг кадрлар тайёрлаш стратегияси банк ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёр-

3-диаграмма

Айланиш ва қолдиқлар бўйича кредит қўйилмалари динамикаси (млн. сўм)

Манба: *Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар» акциядорлик тижорат банки маълумотлари асосида тузилган.*

лаш тизимини янада ривожлантиришга қаратилган. Кадрлар билан олиб борилаётган иш иқтидорли шахсларни юзага чиқариш, ходимларнинг қобилиятларидан максимал даража фойдаланиш учун энг мақбул шарт-шароитларни яратишдан иборат. Масаланинг жиддийлигини инобатга олган ҳолда «Савдогарбанк» тизимида кадрлар масаласини муваффақиятли ҳал этишга Банк Кенгаши томонидан алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Банкнинг ўтган йилларда самарали фаолият юритишига ходимларнинг касбий маҳорати ва пухта ўйланган кадрлар сиёсати кўп жиҳатдан ёрдам берди, деб ўйлайман.

2019 йил 1 январь ҳолатига Марказий Девон ва банк филиалларида 930 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Ходимларнинг 847 нафаридан ортиғи олий ёки ўрта махсус маълумотга эга. Шунингдек, бугунги кунда 45 нафар ходим олий ўқув юртларида таълим олмоқда.

Банк кадрлар сиёсатининг устувор йўналишларидан бири танлаш самарадорлигини ошириш, тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш, ходимларни рағбатлантириш тизимини мукаммаллаштириш ҳамда корпоратив маданиятни ривожлантиришдир.

– 2019 йил ва келгуси йиллар учун қандай режалар қўйилмоқда?

– Банк-молия соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, биринчи навбатда молиявий барқарорликни таъминлаш, капиталлашув даражасини ошириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ишида банкимизнинг муносиб иштирокини таъминлаш 2019 йил ва ундан кейинги йилларда биз учун асосий устувор йўналишлар бўлиб қолади.

– Мазмунли суҳбат учун миннатдорчилик билдирамиз.

МАЪЛУМОТ ЎРНИДА

Стратегик ривожланиш дастурига мувофиқ, «Савдогарбанк» ўз фаолиятининг барқарорлигини таъминлайди ва асосий эътиборини ўз маблағларини ривожланаётган истиқболли соҳаларга йўналтириш, иқтисодиёт реал секторини маблағ билан таъминлашда банк иштирокини кенгайтириш, мижозлар базасини кенгайтириш ва диверсификация қилиш, рақобатли муҳитни ривожлантириш ва банк хизматларини яхшилашга қаратади.

ABSTRACTS

LOOK AT THE QUARTER-CENTURY ACTIVITY OF "SAVDOGARBANK"

This year, Joint-Stock Commercial Bank "Savdogarbank" with foreign capital marks an important date in its history. On May 12, the 25th anniversary of the establishment of the Bank was widely celebrated. The article covers the interview of deputy chief editor of our journal with Mr. Surat Mansurov, Chairman of the Board of the Bank, about the accomplishments, current and future plans of this financial and credit institution.

Реклама ўрнида.

Воҳид Умиров суҳбатлашди.

АКТИВИЗАЦИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ НА ФОНДОВОМ РЫНКЕ УЗБЕКИСТАНА

Самариддин Элмирзаев,
д.э.н., заведующий кафедрой «Финансовый менеджмент» Ташкентского финансового института

Умида Мусаева,
ведущий специалист банка «Асака», магистр Ташкентского финансового института

Качественно новый этап углубления экономических и социальных реформ, а также возросшие потребности субъектов экономики Узбекистана в инвестиционных ресурсах для нужд своего инновационного развития требуют активизации деятельности коммерческих банков на формирующемся фондовом рынке Узбекистана.

Президент Республики Узбекистан Ш. Мирзиёев в Послании Олий Мажлису о наиболее важных, приоритетных задачах развития страны на 2019 год, для выведения экономических реформ на новый, более высокий уровень, указал на необходимость решения ряда приоритетных задач. Одной из таких задач является продолжение реформ в банковско-финансовой системе ускоренными темпами, широкое внедрение в сферу современных рыночных механизмов[1]. На сегодняшний день одной из основных проблем в банковской системе является то, что 89% капитала банков принадлежит государству. Это препятствует здоровой конкуренции в банковской системе и негативно влияет на качество оказываемых услуг. Развитие финансовых рынков, в том числе фондового, должно стать одной из главных целей в новых экономических условиях. Необходимо и дальше расширять спектр современных банковских услуг за счет внедрения новых финансовых инструментов и выпуска облигаций, а также развития сферы на основе передовых информационных технологий.

Вопросы совершенствования операционной деятельности банков на фондовом рынке изучались в трудах ведущих зарубежных специалистов и ученых Узбекистана. В трудах В.А. Галанова и А.И. Басова анализируется фондовый рынок зарубежных стран, в том числе вопросы, связанные с эмиссией ценных бумаг, а также роль банков в формировании национальных фондовых рынков[2]. В.А. Колтынюк освещает сделки и расчеты на рынке ценных бумаг, анализирует банковские системы зарубежных стран[3]. О.И. Лаврушин осуществил анализ деятельности банков на рынке ценных бумаг в качестве эмитентов ценных бумаг, посредников

[1] *Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису о наиболее важных, приоритетных задачах развития страны на 2019 год.*

[2] *Галанов В.А., Басов А.И. «Рынок ценных бумаг», Москва, «Финансы и статистика», 2005 г. – Стр. 219–222.*

[3] *Колтынюк Б.А. «Рынок ценных бумаг». – Санкт-Петербург, 2001 г. – Стр. 76–93.*

и инвесторов[4]. И. Бутиковым осуществлен комплексный анализ теоретических и практических основ формирования рынка ценных бумаг, определены предпосылки, которые открывают перед банками большие возможности для расширения масштабов работы и активизации их деятельности на фондовом рынке[5].

МИРОВАЯ ПРАКТИКА

Мировая практика подтверждает, что посредством активизации эмиссионных, инвестиционных и посреднических операций можно значительно расширить масштабы финансового обеспечения процессов модернизации предприятий реального сектора экономики Узбекистана. Однако для дальнейшего наращивания операционной деятельности коммерческих банков на фондовом рынке Узбекистана необходима перестройка их эмиссионной и клиентской политики, внедрение качественно новых инвестиционных стратегий развития, формирование мощных баз данных и повышение уровня квалификации банковских специалистов в области инвестиционного менеджмента.

Анализ мировой практики инвестиционного менеджмента показывает, что тенденция к расширению масштабов использования банками потенциала долевых и долговых ценных бумаг носит общемировой характер. В большинстве развитых стран мира коммерческие банки все активнее используют в своей деятельности потенциал инструментов фондового рынка.

К числу наиболее распространенных в мировой практике инструментов рынка ценных бумаг, обеспечивающих повышение доходности деятельности зарубежных банков, следует отнести их вложения в обыкновенные и привилегированные акции, купонные и бескупонные облигации, сберегательные и депозитные сертификаты, а также доходы, получаемые от вложения своих средств в государственные краткосрочные облигации, государственные казначейские среднесрочные обязательства, муниципальные ценные бумаги, корпоративные акции или облигации[6].

Учитывая акционерный характер большинства современных коммерческих банков, выпуск обыкновенных и привилегированных акций используется ими как для роста уровня капитализации

> Одной из основных проблем в банковской системе является то, что 89% капитала банков принадлежит государству. Это препятствует здоровой конкуренции и негативно влияет на качество оказываемых услуг.

[4] *Лаврушин О.И. «Банковское дело», «Финансы и статистика», 2004 г. – Стр. 478–494.*
[5] *Бутиков И. «Рынок ценных бумаг Узбекистана: проблемы формирования и развития», Ташкент, 2008. – Стр. 111–126.*
[6] *Маркова О.М. «Коммерческие банки и их операции», Ифра-М, 2000. – Стр. 18.*

В большинстве развитых стран мира коммерческие банки все активнее используют в своей деятельности потенциал инструментов фондового рынка.

банковского бизнеса, так и для расширения их клиентской базы. С другой стороны, участие в акционерном капитале банка выгодно и самим акционерам, т.к., обслуживаясь в коммерческом банке, они получают возможность пользоваться на льготных условиях многими его услугами, начиная от получения бесплатных консультаций, заканчивая доступом к его базам данных. Зарубежный опыт показывает, что темпы и качество институционального укрепления и функционального развития формирующегося фондового рынка Узбекистана в значительной степени зависят от активности банковских институтов, способных выступать на нем в качестве наиболее надежных эмитентов, наиболее крупных институциональных инвесторов и опытных инвестиционных институтов.

С переходом большинства коммерческих банков Узбекистана на новые формы хозяйствования перед их собственниками и менеджментом встала проблема поиска надежных и выгодных источников финансирования программ инновационного развития различных сторон их деятельности. В последние годы к ним пришло понимание того, что наиболее перспективными финансовыми инструментами, способными решить данную проблему, могут стать долевые и долговые ценные бумаги, способные обеспечить привлечение реальных инвестиций в экономику Узбекистана.

Мощный импульс росту эмиссионной активности банков республики придало Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-670 от 12 июля 2007 года «О мерах по дальнейшему повышению капитализации банков и активизации их участия в инвестиционных процессах по модернизации экономики», согласно которому коммерческие банки Узбекистана были обязаны размещать не менее 25% от объема вновь выпускаемых акций через Республиканскую фондовую биржу «Тошкент».

Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-3066 от 16 июня 2017 года «О дополнительных мерах по повышению финансовой устойчивости и уровня капитализации коммерческих банков», Постановление Президента №ПП-3270 от 12 сентября 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию и повышению устойчивости банковской системы республики» и другие законодательные акты были направлены на наращивание масштабов собственной эмиссионной деятельности банков.

В Таблице 1 представлена динамика увеличения уставного капитала коммерческих банков путем выпуска дополнительной эмиссии акций за период 2015-2018 гг. и по состоянию на 1 апреля 2019 года. Анализ показывает, что за последние 5 лет уставный капитал АКБ «Халк банк» увеличился в 7 раз, АКБ «Асакабанк» – в 5 раз, АКБ «Промстройбанк»

Таблица 1

Объемы средств, направленных на увеличение уставного капитала коммерческих банков на 01.04.2019 г. (млрд. сумов)

№	Наименование банка	Объявленный уставный капитал, млрд. сумов	Дополнительная эмиссия акций					
			Итого	в том числе				
				2015 г.	2016 г.	2017 г.	2018 г.	2019 г.
1	Халк банк	1 869,1	1 521,8	54,0	62,0	744,7	436,1	225,0
2	Асакабанк	2 796,5	2 280,0	-	-	1 582,8	-	697,2
3	Узпромстройбанк	2 169,2	2 160,9	697,9	219,8	943,3	299,9	-
4	Микрокредитбанк	794,0	706,0	50,0	-	355,0	201,0	100,0
5	Агробанк	2 162,9	1 899,4	54,1	50,0	967,9	827,4	-
Всего		**9 791,7**	**8 568,1**	**856,0**	**331,8**	**4593,7**	**1764,4**	**1022,2**

Источник: www.openinfo.uz *– Единый портал корпоративной информации.*

Таблица 2

Объем сделок коммерческих банков с ценными бумагами на Республиканской фондовой бирже «Тошкент» за 2016–2018 гг. (млрд. сумов)

Годы	Общий объем торгов	Коммерческие банки	Удельный вес, %
2016	299,8	151,8	50,6
2017	298,6	257,6	86,3
2018	687,3	591,6	86,1
Итого	**1 285,7**	**1 001,0**	**77,86**

Источник: *составлено автором по данным РФБ «Тошкент».*

– в 3 раза, АКБ «Микрокредитбанк» – в 3,5 раза и АКБ «Агробанк» – в 6 раз. Нужно отметить, что увеличение уставного капитала банков привело к увеличению государственной доли, что, в свою очередь, в настоящее время является главным фактором, сдерживающим развитие вторичного рынка акций.

Анализ объема сделок с ценными бумагами банков на Республиканской фондовой бирже «Тошкент» (Таблица 2) показывает, что к концу 2018 года основную часть объема сделок осуществляют коммерческие банки. Общий объем сделок банков с ценными бумагами за 2016 год составил 151,8 млрд. сумов, к концу 2018 года объем возрос на 439,8 млрд. сумов, а удельный вес банков в общем объеме торгов составил 77,86%.

Объем сделок, совершенных банками-брокерами на Республиканской фондовой бирже «Тошкент» за 2017 год, составил 185,56 млн. сумов, к концу 2018 года показатель увеличился на 167,94 млрд. сумов и объем сделок составил 168,13 млрд. сумов.

Росту масштабов эмиссионных операций банков республики способствовала также тенденция к увеличению емкости национального рынка депозитных и сберегательных сертификатов, что обусловлено отсутствием у банков больших организационных и временных затрат на их выпуск и обращение, а также постоянным спросом на них со стороны клиентов банков из-за их выгодности и удобства в обращении.

Несмотря на постоянно растущие масштабы эмиссии акций и банковских депозитных сертификатов, следует признать пассивность большинства банков республики в деле использования потенциала банковских облигаций, которые способны обеспечить привлечение значительных финансовых средств на нужды наращивания инвестиционной активности банков в сфере портфельного инвестирования. Подтверждением недостаточной эффективности инвестиционной деятельности банков по обслуживанию потребностей участников фондового рынка служит то, что темпы роста процентного дохода коммерческих банков Узбекистана за период с 2000 по 2018 годы намного выше темпов роста дохода от их операций с ценными бумагами.

В Таблице 3 представлена динамика увеличения активов, совокупного капитала банка «Асака» за 2015–2018 годы. По состоянию на 1 января 2019 года активы банка составили 30 355,1 млрд. сумов, при этом рост по сравнению с аналогичным периодом прошлого года составил 6 081,5 млрд. сумов. Уставный капитал банка «Асака» за период с 01.01.2017 г. по 01.01.2018 г. увеличился на 1 582,8 млрд. сумов, и по состоянию на 01.04.2019 года этот показатель увеличился дополнительно на 697,1 млрд. сумов. Также необходимо отметить, что незначительную часть в структуре портфеля инвестиций в последние годы составляют счета купли-прода-

> С переходом большинства коммерческих банков Узбекистана на новые формы хозяйствования перед их собственниками и менеджментом встала проблема поиска надежных и выгодных источников финансирования программ инновационного развития различных сторон их деятельности.

жи ценных бумаг и вложения в корпоративные облигации. Анализ показывает, что доходность портфеля ценных бумаг не превышает 6% годовых. В целях диверсификации инвестиционного портфеля и получения дополнительного дохода банком приобретены государственные ценные бумаги в размере 1,0 млрд. сумов с фиксированной ставкой 15% годовых. Эмиссия государственных ценных бумаг осуществлена согласно Постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан №1016 от 14 декабря 2018 г. «О мерах по организации выпуска государственных казначейских обязательств и облигаций Республики Узбекистан».

На наш взгляд, основные причины пассивного участия отечественных банков в управлении портфелями ценных бумаг связаны с недостатками в работе эмитентов, т.е. с отсутствием взвешенных стратегий развития, недостаточной прозрачностью финансовой деятельности, низким уровнем корпоративного управления.

Нужно отметить, что национальная банковская система слабо использует потенциал ценных бумаг для расширения масштабов инвестиционного обеспечения процессов модернизации предприятий реального сектора экономики. В результате основная масса инвестиционных ресурсов на эти цели формируется за счет собственной прибыли предприятий, прямых иностранных инвестиций и долгосрочных банковских кредитов. Наличие указанных обстоятельств значительно сужает потенциал инвестиционной деятельности банков, который можно было бы направить на нужды инновационного развития реального сектора экономики Узбекистана.

Результаты исследования, изложенные в данной статье, позволяют нам сделать следующие выводы:

- возрастающее значение долевых и долговых ценных бумаг для укрепления ресурсной и клиентской базы коммерческих банков обусловлено содержащимся в них огромным социально-экономическим потенциалом;
- расширение масштабов выпуска долевых и долговых ценных бумаг становится необходимым условием повышения качества финансирования всех сторон деятельности банков и залогом успешного становления акционерной собственности в банковском секторе;
- эффективное использование потенциала ценных бумаг оказывает значительную помощь в совершенствовании структуры банковского капитала, расширении ресурсной и клиентской базы коммерческих банков;
- для реализации перспективного направления финансового менеджмента коммерческие банки Узбекистана должны научиться работать на фондовом рынке и завоевать необходимый уровень доверия участников этого рынка в качестве надежных эмитентов, наиболее крупных инвесторов и опытных инвестиционных институтов;
- отмечая важность использования потенциала ак-

Таблица 3

Основные показатели Акционерного коммерческого банка «Асака» за 2015–2019 гг.
(млрд. сумов)

Показатели	01.01.2016 г.	01.01.2017 г.	01.01.2018 г.	01.01.2019 г.	01.04.2019 г.
Активы	7 403,9	10 448,3	24 273,6	30 355,1	31 539,6
Совокупный капитал, из них	915,7	1 023,8	3 083,2	3 168,0	3 162,5
Уставный капитал	516,1	516,1	2 098,9	2 098,9	2 796,0
Чистая прибыль	85,2	95,4	51,0	857,1	8,5
Портфель инвестиций, из них	206,7	203,4	345,4	403,4	355,92
Счета купли-продажи	42,1	40,7	74,5	8,0	1,02
Вложения в ценные бумаги	0	0	0	50,0	50,0
Инвестиции в уставный капитал других обществ	164,6	162,7	270,9	345,4	304,9
Доходность портфеля	5%	3%	3%	6%	0%

Источник: *составлено автором по данным АКБ «Асака».*

ций для укрепления ресурсной базы зарубежных банков и получения дополнительной прибыли, нельзя забывать, что эмиссионная и инвестиционная деятельность на фондовом рынке представляет собой сложный процесс, требующий от банковских специалистов серьезной подготовки и профессионализма.

Исходя из вышеизложенного, по результатам исследования считаем необходимым внесение ряда предложений, направленных на активизацию деятельности банков и расширение масштабов операционной деятельности банков на фондовом рынке Узбекистана:

1. Концентрация необходимых финансовых средств отечественных и иностранных инвесторов в коммерческих банках для осуществления перелива капитала с ориентацией на приоритетные отрасли экономики Узбекистана.

2. Организация целевой государственной поддержки деятельности банков, активно участвующих в расширении масштабов выпуска ценных бумаг для финансирования программ инновационного развития ключевых предприятий реального сектора экономики.

3. Для развития вторичного рынка эмиссионных ценных бумаг необходимо сокращать долю государства в уставных капиталах банка, использовать возможности «золотой акции».

4. Повышать профессиональный уровень руководителей и специалистов инвестиционных подразделений коммерческих банков в вопросах выпуска, размещения и использования потенциала ценных бумаг для финансирования их крупных инвестиционных проектов.

5. Законодательно предусмотреть более гибкие условия выпуска облигаций, что позволит банкам самостоятельно определять момент начала размещения эмиссии, без привязки данной даты к дате государственной регистрации проспекта эмиссии.

6. Ключевым условием повышения инвестиционной привлекательности ценных бумаг предприятий Узбекистана для узбекских банков должны стать стандарты корпоративного управления и их эффективная дивидендная политика, связанная с рациональным использованием чистой прибыли прошлых лет.

7. В целях расширения масштабов посреднической деятельности банков на рынке ценных бумаг целесообразно расширить спектр осуществляемых ими операций на рынке ценных бумаг.

ABSTRACTS

ACTIVATION OF THE COMMERCIAL BANKS ON THE STOCK MARKET OF UZBEKISTAN

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш борасидаги ислоҳотларни инобатга олиб, божхона тўловларини қўллашни оптималлаштириш жараёнида қуйидаги тамойилларни ҳисобга олиш зарур ҳисобланади:

- ташқи иқтисодий фаолиятни божхона тўловлари билан тартибга солиш тизимини такомиллаштиришда илғор хорижий тажриба, халқаро тамойиллар ва меъёрларни қўллаш;
- маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни республикада ишлаб чиқарилмайдиган, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хомашё ва материаллар билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;
- янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш мақсадида замонавий технологик ускуналар ва техникани олиб кириш учун қулайликлар яратиш;
- божхона расмийлаштирувида ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатура коди бўйича яқин бўлган товарлар божхона тўловлари ставкаларини унификация қилиш;
- тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишни рағбатлантириш;
- акциз солиғига тортиладиган товарларга акциз солиғи ставкаларини унификация қилиш, уни инсон соғлиғи ва атроф-муҳит учун зарарли бўлган товарларга нисбатан қўллаш.

Божхона тўловлари ташқи иқтисодий фаолиятни тар-

Ташқи иқтисодий фаолиятни божхона тўловлари орқали тартибга солиш тизимини илғор хорижий тажрибалар, халқаро тамойиллар ва меъёрларни инобатга олган ҳолда оптималлаштириб бориш ҳозирги кунда долзарб масалалардан биридир.

тибга солишда ташқи савдо айланмасини зарур даражада тартибга солиш, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳамда фискал вазифаларни бажаради.

Ўзбекистон Республикасида товарларни божхона чегарасидан олиб ўтишда бож, акциз солиғи, қўшилган қиймат солиғи, божхона йиғимлари ундирилади. Мамлакатимизда жами ундириладиган божхона тўловлари таркибида олиб кирилаётган товарлардан ундириладиган божхона тўловлари 98 фоизни, солиқлар эса 88–90 фоизни ташкил этади. Амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида мамлакатимизда товарлар экспортини рағбатлантириш мақсадида товарларни божхонада экспортга расмийлаштиришда божхона тўловлари ундирилмайди (бундан божхона йиғимлари мустасно).

Бож ва солиқлар ставкалари миқдори мамлакат ташқи савдосининг ривожланиш ҳолатига бевосита таъсир этиб, мамлакат бюджети даромадларини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Иқтисодиётни, жумладан, ташқи савдони солиқлар билан тартибга солиш бўйича дунё олимларининг бир қанча илмий қарашлари мавжуд, жумладан, машҳур хитой файласуфи Сунь Цзининг фикрича: «Солиқларни ҳаддан зиёд кучайтириш турли талон-торожликларни келтириб чиқаради, душманларнинг бойишига хизмат қилади, оқибатда, давлат инқирозга учрайди»[2].

И.А. Майброванинг фикрига кўра, солиқлар, давлат, жамият ва халқ хўжалиги ўртасида ижобий алоқадорлик мавжуд бўлиб, бунда давлатнинг солиқ юкларини энг минимал даражага тушириш орқали ижобий алоқадорликка эришиш мумкин[3].

Ж.М. Кейнснинг фикрича, солиқлар фискал функциядан ташқари иқтисодиётни тартибга солиш, рағбатлантириш ва даромадларни бошқариш функцияларига эга, солиқнинг бу функциялари ундан иқтисодиётни тартибга солиш ва иқтисодий барқарор ўсишни таъминлаш воситаси сифатида фойдаланиш зарурлигидан келиб чиқади[4].

А. Ваҳобовнинг фикрича, «иқтисодий фаолиятга бевосита ва билвосита аралашув жараёни экспорт ва импорт ҳажми ҳамда таркибига таъсир кўрсатиш орқали ички бандликни таъминлаш, иқтисодий ўсишга эришиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, тўлов балансини яхшилаш ҳамда валюта курсини тартибга солиш мақсадларини кўзда тутади»[5].

---

[2] *«Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир». Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси, №253 (7211). 2018 йил 8 декабрь.*

[3] *Налоговая политика: теория и практика / под ред. проф. И.А. Майброва. – М.: ЮНИТИ, 2010. – С. 316.*

[4] *Жўраев А., Мейлиев О., Сафаров Ғ. Солиқ назарияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Тошкент молия институти, 2004. – 166-бет.*

[5] *Vaxabov A.V., Tadjibayeva D.A., Xajibakiyev Sh.X. «Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar». – T.: Baktria press, 2015. – 548-bet.*

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, солиқлар тартибга солувчи ва рағбатлантирувчи функцияга эга. Улардан ташқи савдони тартибга солишда фойдаланишни такомиллаштириш иқтисодиётда самарали таркибий ўзгаришларга олиб келиб, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга ҳамда давлат бюджети даромадлар қисмини тўлдиришга хизмат қилади.

Божхона тўловларини ҳисоблаш, ундириш ва давлат бюджетига ўтказиш борасида ҳам охирги йилларда қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига бу йўналишда қулайликлар яратилмоқда. Бунинг натижасида ундирилган божхона тўловларининг миқдори ҳам йилдан-йилга ошмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу кўрсаткич 2010–2018 йилларда 5,7 мартага ошган. Божхона тўловларининг ўсишига импорт товарлари ҳажмининг кўпайиши, товарларнинг божхона қийматини аниқлаш усуллари такомиллашаётганлиги, божхона тўловлари ставкаларининг ўзгариши, эркин алмаштириладиган валюта курсининг ўзгариши, божхона соҳасида автоматлаштирилган ахборот тизимидан самарали фойдаланилаётганлиги, божхона соҳаси бўйича меъёрий-ҳуқуқий база такомиллашаётганлиги каби асосий омиллар таъсир этган.

2018 йилда жами божхона тўловлари таркибида қўшилган қиймат солиғи 74,5 фоизни, импорт божхона божи 16,1 фоизни, акциз солиғи 4,6 фоизни, бошқа тўловлар 4,5 фоизни ташкил этган. 2014 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 56,1, 23,4, 17,1 ва 3,4 фоиз бўлган (1-жадвал).

Ўтган қисқа вақт мобайнида божхона тўловларининг давлат бюджети даромадлари қисмидаги улуши ҳам ортиб борди, жумладан, 2010 йилда бу кўрсаткич 15,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда 18,4 фоизни ташкил этди.

Шуни қайд этиш лозимки, ўтган тўққиз йил давомида давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловларига нисбатан ундан берилган имтиёзлар ҳажми ҳам йил сайин ошиб келмоқда. Агарда 2010 йилда берилган имтиёзлар миқдорини 2018 йилдаги миқдор билан солиштирадиган бўлсак, бу даврда ушбу кўрсаткич 9,6 мартага ошган. Божхона тўловларидан берилган имтиёзларнинг ошишига ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маҳаллийлаштириш дастурлари ва давлатимиз билан эркин савдо зонаси ташкил этган дав-

Импорт божхона божига ноль даражали ставкалар миқдори Европа Иттифоқи давлатларида 16,65 фоизни, Туркияда 37,48 фоизни, Хитойда 7,10 фоизни, Тожикистонда 4,10 фоизни, Ҳиндистонда 2,08 фоизни ва Евроосиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти давлатларида 15,81 фоизни ташкил этади.

1-диаграмма

Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан 2010–2018 йилларда Давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари миқдори (млрд. сўмда)



Манба: *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

1-жадвал

Божхона органлари томонидан 2014–2018 йилларда Давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари таркиби (фоизда)

№	Божхона тўловлари турлари	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
1	Импорт божхона божи	23,4	24,9	25,8	22,5	16,1
2	Қўшилган қиймат солиғи	56,1	54,5	54,1	60,4	74,5
3	Акциз солиғи	17,1	17,3	17,2	14,5	4,6
4	Божхона йиғимлари ва бошқа тўловлар	3,4	3,3	2,9	2,6	4,5
Жами		**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**

Манба: *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

2-жадвал

Божхона тўловларининг давлат бюджети даромадлари қисмидаги улуши (фоизда)

Кўрсаткич	Йиллар								
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
Божхона тўловларининг давлат бюджети даромадлари қисмидаги улуши, %	15,3	15,0	17,4	17,2	18,0	16,3	13,7	15,2	18,4

Манба: *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

3-жадвал

2009–2018 йилларда импорт божхона божининг ўртача арифметик ставкаси ўзгариши (фоизда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.08.09 йилдаги ПҚ-1169-сонли Қарори	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.09.17 йилдаги ПҚ-3303-сонли Қарори	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.18 йилдаги ПҚ-3818-сонли Қарори	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.12.18 йилдаги ПҚ-4086-сонли Қарори
14,84	6,50	4,06	5,59

Манба: *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

латларда ишлаб чиқарилган товарларга берилган преференцияларнинг кўпайиши сабаб бўлган.

Сўнгги йилларда божхона соҳасида фуқаролар ва тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида инновацион технологиялар кенг жорий этилмоқда. Ҳозирги кунга қадар соҳада 43та автоматлаштирилган ахборот тизимлари ҳамда 22та электрон интерактив хизматлар амалиётга татбиқ этилган. Жумладан, божхона тўловларини ундириш йўналишида ҳам «Божхона тўловлари» автоматлаштирилган ахборот тизими дастури, хавфни бошқариш тизими ва интеграциялашган тариф интерактив хизматидан самарали фойдаланилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда божхона божлари ставкаларини ислоҳ қилиш бўйича ҳам қатор ишлар қилинмоқда ва бу борадаги кўрсаткичлар жаҳон андозаларига яқинлашмоқда.

Ҳар бир давлат ўз иқтисодиётини ҳар томонлама ривожлантириш, дунё хўжалигига интеграциялашув жараёнларини ҳисобга олиб, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда турли хил божхона тўловлари ставкаларидан фойдаланади ва уларни қўллашни доимий равишда такомиллаштириб боради. Мисол учун, импорт божхона божига ноль даражали ставкалар миқдори Европа Иттифоқи давлатларида 16,65 фоизни, Туркияда 37,48 фоизни, Хитойда 7,10 фоизни, Тожикистонда 4,10 фоизни, Ҳиндис-

тонда 2,08 фоизни ва Евроосиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти давлатларида 15,81 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда амалдаги импорт божхона божи ставкалари таркибида бу кўрсаткич 62,7 фоизга тенг.

Иқтисодчи Габриэль Фельбермайер томонидан бу кўрсаткич бўйича АҚШ билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ўзаро савдо алоқаларида 5018та товарнинг божхона божи ставкалари таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра, АҚШга Европа Иттифоқи давлатларидан импорт қилинган товарларга қўлланиладиган божхона божи ставкаларининг 36.0 фоизи (1802та) ва, аксинча, Европа Иттифоқига АҚШ давлатидан келган товарларга қўлланиладиган божхона божи ставкаларининг 25.0 фоизи (1246та) ноль даражали ставкага тўғри келади.

Ривожланган давлатларда импорт божхона божи ставкаларини белгилашда тариф эскалацияси асосида, яъни товарнинг қайта ишланганлик даражасига қараб ставкаларни белгилаш механизми жорий этилган. Бунда хомашё товарлари импорт божхона божи ставкалари жуда паст ёки бутунлай озод қилинган бўлса, ярим тайёр маҳсулот ва тайёр маҳсулот учун импорт божхона божи ставкалари мос равишда ўсиб боради. Буни 4-жадвалда кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизда ундириладиган божхона тўловлари таркибида қўшилган қиймат солиғи асосий салмоқни, яъни 74–75 фоизни ташкил этади.

2-диаграмма

Ўзбекистон Республикасида божхона божи ставкалари таркиби

Манба: *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

3-диаграмма

Европа Иттифоқи давлатларида божхона божи ставкалари таркиби (фоизда)



Манба: *https://petrimazepa.com/sravnenie_tamozennyh_poslin_es_i_ssa_tramp_vozmusaetsa_spravedlivo.*

4-диаграмма

АҚШда божхона божи ставкалари таркиби (фоизда)



Манба: *https://petrimazepa.com/sravnenie_tamozennyh_poslin_es_i_ssa_tramp_vozmusaetsa_spravedlivo.*

Ривожланган давлатларда импорт божхона божи ставкаларини белгилашда тариф эскалацияси асосида, яъни товарнинг қайта ишланганлик даражасига қараб ставкаларни белгилаш механизми жорий этилган.

Ҳозирги кунда жаҳон тажрибасида қўшилган қиймат солиғининг ставкалари, жумладан, Қозоғистон ва Қирғизистонда 12 фоиз, Туркманистонда 15 фоиз, Тожикистонда 18 фоиз, ХХРда 17 фоиз, Сингапурда 5 фоиз ва Корея Республикасида 10 фоизни ташкил этаётган бўлса, Ўзбекистонда ҚҚС ставкаси 20 фоизни ташкил қилади. Шунингдек, Россия Федерациясида бугунги кунда ҚҚСнинг 3 хил ставкаси амалда:

1. 0 фоизли ставка мамлакатдан экспорт қилинаётган товарларга нисбатан қўлланилади;
2. 10 фоизли ставка алоҳида истеъмол товарлари, болалар ва тиббиёт учун мўлжалланган товарларга нисбатан қўлланилади;
3. 20 фоизли ставка қолган барча товарларга нисбатан қўлланилади.

Германияда бугунги кунда ҚҚСнинг 2 хил ставкаси амалда:

1. Китоблар ва озиқ-овқат товарларига 7 фоизли ставка қўлланилади;
2. Қолган барча товарларга нисбатан 19 фоизли ставка қўлланилади.

Францияда энг юқори ставка 33,3% бўлиб, у тамаки ва алкоголли маҳсулотлар ҳамда автомобиллар учун белгиланган. Пасайтирилган ставкалар 10%, 5,5% ва 2,1% бўлиб, улар китоблар, аҳоли учун энг зарур бўлган алоҳида турдаги товарлар ва дори-дармонлар учун белгиланган.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган хомашё товарлари ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кирилаётганда 20 фоиз ҚҚС ундирилиши натижасида тайёр ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг нархи сезиларли даражада ошиб, рақобатбардошлиги пасаймоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, божхона тўловларини қўллаш самарадорлигини янада ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- импорт божхона божига ноль даражали ставкаларни камайтириш, яъни 62.7%дан 18–20 фоизга, яъни уч баробарга қисқартириш, яъни четдан олиб келинаётган тайёр маҳсулотларга ноль даражали ставкаларни бекор қилиш ва маълум миқдордаги ставкаларни белгилаш тавсия этилади. Бунинг натижасида бюджет даромадларига божхона тўловларидан тушадиган маблағлар янада ошади. Мамлакатимизга тўғридан-тўғри инвестиция олиб келиб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни режалаштираётган инвесторларга соғлом рақобат учун шароит яратилади;

4-жадвал

Ривожланган давлатларда хомашё, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларга қўлланиладиган тариф эскалацияси

№	Мамлакатлар	Хомашё товарларига импорт божхона божининг ўртача арифметик қиймати, %да	Ярим тайёр маҳсулотларга импорт божхона божининг ўртача арифметик қиймати, %да	Тайёр маҳсулотларга импорт божхона божининг ўртача арифметик қиймати, %да
1	АҚШ	1,8	6,1	7,0
2	Канада	2,6	6,6	8,1
3	ЕИ	1,6	6,2	7,0
4	Финляндия	0,5	11,7	12,0
5	Австрия	1,9	7,3	9,1
6	Норвегия	0,9	5,4	7,8
7	Швеция	0,4	5,1	5,1
8	Швейцария	1,5	2,8	3,0
9	Япония	1,4	6,3	6,4

Манба: *https//studfiles/het.*

◆ мамлакат ички бозорида ишлаб чиқариладиган товарлар рақобатбардошлигини ошириш мақсадида четдан олиб келинаётган товарларга қўшилган қиймат солиғини оптималлаштириш мақсадида уни қуйидаги 3 тоифада белгилаш таклиф этилади:

1. Ўзбекистон Республикаси томонидан тузилган халқаро шартномалар ва қонун ҳужжатларига асосан ҚҚСдан озод қилинган товарларга нисбатан – 0 фоиз;

2. Ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган хомашё товарлари ва ярим тайёр маҳсулотлар олиб кирилаётганда – 8 фоиз;

3. Бошқа барча товарларга – 12 фоиз.

◆ бугунги кунда жаҳон бозорида конъюнктура ўзгариб, рақобат тобора кучайиб бораётганини ҳисобга олиб, божхона тўловлари ставкаларини белгилаш бўйича ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш ва шу аснода божхона тўловлари ставкаларини доимий равишда оптималлаштириб бориш таклиф этилади. Хусусан, АҚШда 1930 йилдаги «Тариф тўғрисида»ги Қонун, ХХРда 1992 йилдаги «Экспорт-импорт тарифи тўғрисида»ги Низомларда шундай тартиб белгиланган;

> Мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган хомашё товарлари ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кирилаётганда 20 фоиз ҚҚС ундирилиши натижасида тайёр ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг нархи сезиларли даражада ошиб, рақобатбардошлиги пасаймоқда.

◆ янги қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларда имтиёз берилаётган божхона тўловларининг турларини, амал қилиш муддатини, товарларнинг ТИФ ТН код рақамини, миқдорини, қийматини ва товарлар ишлаб чиқарилган давлатни, ишлаб чиқарилган йилини ва аввал фойдаланишда бўлган-бўлмаганини аниқ кўрсатиш;

◆ божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундиришда хавфни бошқариш тизимини ва божхона фаолиятидаги автоматлаштирилган ахборот тизимларидаги мантиқий назорат механизмларини янада такомиллаштириб бориш.

Юқоридаги таклифларни инобатга олган ҳолда мазкур йўналиш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш жараёнларини янада тезлаштиради ҳамда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга замин яратади.

> Қўшилган қиймат солиғининг ставкалари, жумладан, Қозоғистон ва Қирғизистонда 12 фоиз, Туркманистонда 15 фоиз, Тожикистонда 18 фоиз, ХХРда 17 фоиз, Сингапурда 5 фоиз ва Корея Республикасида 10 фоизни ташкил этаётган бўлса, Ўзбекистонда ҚҚС ставкаси 20 фоизни ташкил қилади.

ABSTRACTS

OPTIMIZATION OF THE APPLICATION OF CUSTOMS DUTIES IS AN IMPORTANT FACTOR IN THE STABLE DEVELOPMENT OF THE ECONOMY

The article discusses the issues of ensuring an effective composition of foreign trade, protection of local producers from unhealthy foreign competition, customs payments and their rates to goods to stimulate the attraction of direct investments, as well as preferences and benefits applied to customs payments. The article also provides information on customs payments in other countries of the near and far abroad, as well as provides recommendations for further improving the efficiency of customs payments.

ЎзА фотосуратларидан фойдаланилган.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК – ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ

Феруза Мусаева, *Тошкент молия институти, Молия кафедраси ўқитувчиси*

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, мамлакат қисқа давр ичида барча соҳаларда муваффақиятларга эришмоқда. Бинобарин, собиқ Иттифоқ даврида мамлакатда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш борасида бир томонлама сиёсат юритилгани, яъни у фақат хомашё тайёрлашга мослаштирилганлиги оқибатида саноат соҳасида ҳам юртимиз қолоқ минтақалардан бирига айланган эди. Бу эса ўлкада саноатнинг хомашёга дастлабки ишлов бериш тармоқларигина шаклланишига олиб келди. Ўлкада саноат ишлаб чиқаришининг бир томонлама ривожланиши натижасида республикада ишлаб чиқарилган саноат тайёр маҳсулотлари салмоғи умумий маҳсулотларнинг фақат 25 фоизини ташкил этган бўлса, халқ истеъмоли моллари иттифоқдаги ўртача кўрсаткичнинг фақат 40 фоизидан иборат бўлган.

Ўн бешта иттифоқдош республикани бирлаштирган собиқ Иттифоқдек улкан мамлакатнинг пахта хомашёси етказиб берувчи базасига айланиб қолган мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида қўшни давлатлар ва иттифоқдош республикалардан бир неча марта орқада қолиб кетган эди. Ўлкадаги қарийб 20 миллионга яқин аҳолининг, айниқса, қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий, моддий ва маънавий аҳволи марказни мутлақо қизиқтирмас эди. Ана шундай таҳликали бир даврда ўз мустақиллигига эришган Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти ва бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияси ҳаётга татбиқ

этила бошлади. Бу ривожланиш йўли жаҳондаги мамлакатлар томонидан «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилди. Мамлакат халқаро иқтисодий интеграциядан ўзига муносиб ўрин эгаллади.

Мамлакатда амалга оширилган ислоҳотларнинг биринчи босқичида (1991–1994 йиллар) эркин бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилди.

Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилиб, бу ҳолат жамиятнинг ўтиш даврига тинч ва барқарор тарзда киришини таъминлаб берди. Мамлакатда амалга оширилган ислоҳотларнинг биринчи босқичида (1991–1994 йиллар) эркин бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилди. Бу жараёнда қуйидаги кескин ўзгаришлар амалга оширилган эди:

❖ ислоҳотлар стратегияси ва тактикаси мамлакат тарихий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини, аҳолининг менталитетини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилди;

❖ иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг бозор иқтисодиёти муносабатларига хос бўлган меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилди;

❖ мулкни давлат тасаррufидан чиқариш ва хусусийлаштириш асосида кўп укладли иқтисодиётни шакиллантириш асослари яратилди;

❖ миллий иқтисодиётнинг энг мураккаб соҳаси – қишлоқ хўжалигини тубдан ўзгартириш асосида мутлақо янги – бозор иқтисодиётига хос бўлган аграр муносабатлар шакллантирилди ва қишлоқда мулкдорлар синфини яратишга киришилди;

❖ маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам берилди ва янги демократик институционал ўзгаришлар учун кенг йўл очилди;

❖ нархларни эркинлаштириш ва бозор инфратузилмаларини шакллантиришга устувор аҳамият берилди;

❖ ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш асосида мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувига эришилди;

❖ давлатнинг бош ислоҳотчилик фаолияти натижаси ўлароқ миллат маънавий-руҳий жиҳатдан уйғонди;

❖ аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож кенг қатламига нисбатан давлат томонидан кучли ижтимоий ҳимоялаш сиёсати амалга оширила бошланди.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг иккинчи босқичида (1995–1999 йиллар) макроиқтисодий барқарорликка эришилди, хусусийлаштириш жараёнлари янада чуқурлаштирилди ва янги рақобат муҳити шакллантирилди. Бу даврда миллий саноатни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари, иқтисодиётда таркибий қайта қуриш дастурларини амалга ошириш, ижтимоий ишлаб чиқаришда нодавлат сектори улушининг ортиши ва ижтимоий йўналтирилган кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, аҳолини манзилли ҳимоя қилишни янада кучайтиришдан иборат дастурлар амалга оши-

рилди. Иқтисодий ислоҳотлар натижаси ўлароқ Ўзбекистон 2000 йилга келиб МДҲ давлатлари ўртасида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 1991 йил даражасига яқинлашган ягона давлат сифатида эътироф этилди (ялпи ички маҳсулот индекси 1991 йилга нисбатан 98,7%ни ташкил қилди). Айни вақтда ялпи ички маҳсулотнинг мутлақ ҳажми жиҳатидан МДҲ доирасида учинчи иқтисодий бақувват (Россия ва Украинадан сўнг) давлат даражасини эгаллади.

Мамлакатда иқтисодий ислоҳотларнинг учинчи босқичида (2000–2005 йиллар) бозор иқтисодиёти муносабатлари механизмларининг самарали ишлаши негизида иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларига эришиш Дастури асосида давлат қурилишининг сиёсий ва иқтисодий соҳалари янада ривожланди, маънавий жиҳатдан янгиланишлар рўй берди, аҳоли турмуш даражаси ўса бошлади, иқтисодиётда таркибий қайта қуришлар амалга оширилди.

«Ўзбек модели» асосида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида йирик муваффақиятлар қўлга киритилди. Жумладан, 1997–2003 йилларда ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиши 4,4%га тенг бўлди, 2007 йилда бу кўрсаткич 2006 йилга нисбатан 9,5% ўсди. 2003 йилда реал ЯИМ 1995 йилга нисбатан 36,9% ошди. 2007 йилгача аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш суръатлари сезиларли равишда ўсиб борди[1].

Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклаш асосида кўп укладли иқтисодиёт шаклланди, хўжалик фаолиятига аралашувлар чекланди, хўжалик субъектларининг иқтисодий ва молиявий масъулияти ортиб борди, бозор инфратузилмалари ривожланди, ташқи иқтисодий фаолият тизими қайта тикланди ва валюта тизими эркинлиги кенгайиб бориши натижасида реал рақобат муҳити шаклланди, эркин тадбиркорлик фаолияти учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Бозор иқтисодиётининг асоси бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мустақиллик даврига келиб шаклланганлигини эътироф этиш лозим. Мамлакат тарихида дастлаб Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг асоси сифатида қуйидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилди: «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин»[2].

Шунингдек, мамлакатда тадбиркорлик ва хусусий мулкчиликни ривожлантириш мақсадида унинг ҳуқуқий асослари Фуқаролик кодексида, 1991 йилда қабул қилинган «Тадбиркорлик тўғрисида»ги, 2002 йилда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлаш тўғрисида»ги қонунларда шакллантирилди.

Мамлакатда кичик бизнес соҳасида якка тадбиркорлик энг кўп тарқалган хўжалик сифатида ривожланди. 2003 йилга келиб мамлакатда якка тадбиркорларнинг сони 3,5 млн.дан ортиб кетди. Улар асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш ва ҳунармандчилик соҳаларида банд бўлди.

2004 йилга келиб республикада қарийб 283,9 кичик бизнес корхоналари фаолият кўрсатди,

> Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг иккинчи босқичида (1995–1999 йиллар) макроиқтисодий барқарорликка эришилди, хусусийлаштириш жараёнлари янада чуқурлаштирилди ва янги рақобат муҳити шакллантирилди.

[1] *Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Муқумжон Қирғизбоев умумий таҳрири остида, муаллифлар жамоаси. – Т.: «Наврўз» нашриёти, 2014. –194-б.*

[2] *Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон» нашриёти, 2017. – 11-б.*



уларда микрофирмалар ҳиссаси 79,8 фоизга, кичик корхоналар эса 10,3 фоизга тўғри келди. 2004 йилда республиканинг ҳар 1000 аҳолисига 11та кичик бизнес корхонаси тўғри келган. Ўзбекистонда қайд этилган корхоналар умумий сонида кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳиссаси 90 фоизни ташкил этди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳоли бандлиги даражасини оширишдаги роли ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам, тадбиркор ўз маблағларини ишлаб чиқариш соҳасига киритар экан, айни пайтда ўз даромадларини ошириш билан бирга жамиятнинг бошқа аъзоларини ҳам иш ўрни ҳамда даромад билан таъминлашга ҳисса қўшади. Мамлакатимизда бу борадаги фаолият ҳам кенгайиб борди: 2000–2008 йиллар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар сони 3,3 марта ошди. 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлганлар сони 8402,3 минг кишини, шу жумладан, якка тадбиркорлар 6446,2 минг кишини, кичик корхона ва микрофирмадаги бандлар сони 1956,1 минг кишини ташкил этди.

Кичик бизнеснинг ихчамлиги, ҳаракатчанлиги, иқтисодий манфаатларни нисбатан тўлароқ намоён эта олиши, бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша билиши каби хусусиятлари уни иқтисодиётни тубдан ўзгартиришда энг самарали ва қулай воситалардан бирига айлантирди. Мазкур соҳа тараққиёти учун алоҳида шарт-шароитларнинг яратилиши, солиқ, божхона ва бошқа тўлов имтиёзларининг белгиланиши,

нисбатан арзон кредит ресурсларининг тақдим этилиши натижасида қисқа давр ичида кичик бизнес корхоналарининг сони аҳамиятли даражада ошиб борди. Статистик маълумотларга кўра, 1992 йилда рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналарининг сони атиги 16,5 мингтани ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич (фермер хўжаликларидан ташқари) 224,2 мингтага етди, яъни деярли 14 баравар ўсди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини кескин оширишга эришилди.

Бозор иқтисодиётининг энг асосий ўзакларидан бири бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширишдаги роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда ва бу жараён иқтисодиётнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришларга кучли таъсир этмоқда. 2013 йилнинг ўзида мамлакатда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади[3].

> Мамлакатда иқтисодий ислоҳотларнинг учинчи босқичида (2000–2005 йиллар) бозор иқтисодиёти муносабатлари механизмларининг самарали ишлаши негизида иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларига эришиш Дастури асосида давлат қурилишининг сиёсий ва иқтисодий соҳалари янада ривожланди, маънавий жиҳатдан янгиланишлар рўй берди, аҳоли турмуш даражаси ўса бошлади, иқтисодиётда таркибий қайта қуришлар амалга оширилди.

Бинобарин, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожида муҳим аҳамият касб этаётган, ишлаб чиқаришнинг асосий ўзаги бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ишончли ҳимоялашда, келгусида улар янада ривожланиб, тараққий этишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони муҳим аҳамиятга эга. Ушбу Ҳаракатлар стратегияси мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган бўлиб, биргина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда тизимли, танқидий ва комплекс ёндашув зарур эканлигини белгилаб берди. Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясининг «Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари» деб номланган учинчи йўналишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик-

[3] *Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Т.: «Ўзбекистон» нашриёти, 2014.*



ни ривожлантириш мақсадида қуйидаги вазифалар белгилаб берилди:

❖ миллий иқтисодиётнинг мутаносиблигини ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизматлар кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш;

❖ фермер хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқараётган, қайта тайёрлаётган, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

❖ хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, барча турдаги тўсқинликлар ва чеклашларни бартараф этиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш йўлида тўлиқ эркинлик бериш, амалиётда «Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади» деган тамойилни амалга ошириш;

❖ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ноқонуний аралашувининг қатъий олдини олиш[4].

> Кичик бизнеснинг ихчамлиги, ҳаракатчанлиги, иқтисодий манфаатларни нисбатан тўлароқ намоён эта олиши, бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша билиши каби хусусиятлари уни иқтисодиётни тубдан ўзгартиришда энг самарали ва қулай воситалардан бирига айлантирди.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш борасида қабул қилинган директив ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажмининг 2015 йилга нисбатан 1,3 баробар кўпайишига, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 15,9 трлн. сўмдан ошишига имкон берди[5]. Бу натижалар 2017 йилда янги саноат корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилишига олиб келган бўлса, 2018 йилда кўрилган чора-тадбирлар туфайли аҳолининг реал умумий даромадлари 2017 йилга нисбатан 12 фоизга ошди.

---

[4] *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017–2021 йилларда "Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" Фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017-йил, 6-сон, 70-модда.*

[5] *Шерзод Туробов. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ривожидаги аҳамияти// http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/49562--kichik-bizns-va-xususiy-tadbirkorlikning-mamlakat-rivojidagi-ahamiyati.*

«Ҳар бир оила – тадбиркор», «Ёшлар – келажагимиз» каби дастурлар доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 минг 600дан ортиқ бизнес-лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, солиқларнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан ҳудудларда 5,5 триллион сўм қўшимча маблағ қолдирилди. Бу 2017 йилга нисбатан 6 баробар, 2016 йилга нисбатан эса 32 баробар кўп демакдир.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ҳаётни яхшилаш борасида ҳудудларда саноатни комплекс ривожлантиришга муҳим эътибор берилганлигига қарамай, айрим шаҳар ва туманларда бу ўта муҳим масала эътибордан четда қолмоқда. Оқибатда республиканинг 27та туманида саноатнинг улуши вилоят кўрсаткичининг 1 фоизига ҳам етмайди. Шу сабабли ҳар бир туман ва шаҳар саноатини ривожлантириш бўйича ўрта ва узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқиш керак эканлиги Президент Ш.М. Мирзиёев томонидан алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, бугун айрим туман ва шаҳар ҳудудларида давлатга ва давлат улуши мавжуд корхоналарга тегишли бўлган, шунингдек, ажратилган ер участкаларида тадбиркорлик субъектлари томонидан қурилган, собиқ жамоа ва ширкат хўжаликларини тугатиш даврида сотиб олинган, бироқ фаолият кўрсатмаётган ва самарасиз фойдаланилаётган бинолар ва қурилиши тугалланмаган объектлар сақланиб қолаётгани саноат ишлаб чиқариш соҳасини янада ривожлантириш, аввало, аҳоли учун янги иш ўринларини яратишга тўсқинлик қилмоқда. Бинобарин, фаолият кўрсатмаётган ва фойдаланилмасдан турган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича масъулиятни кучайтириш, шунингдек, корхоналарни хўжалик фаолиятига жалб этиш, шу асосда янги иш ўринлари яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Президентимизнинг 2018 йил 4 сентябрдаги «Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни тизимли тартибга солиш ва такомиллаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қарорга кўра, илгари хусусийлаштирилган объектларни хўжалик фаолиятига жадал жалб этиш бўйича амалдаги механизм мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари ва эгаллаган майдон ҳажмидан қатъи назар, барча тоифадаги қурилиши тугалланмаган объектлар, бўш турган бинолар, нотурар иншоотлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларига нисбатан татбиқ қилинади. Бунинг натижасида 2018 йилнинг 15 сентябридан бошлаб давлат мулки бўлган, аммо фойдаланилмаётган объектлар сотилиши, давлат-хусусий шериклик

> Солиқларнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан ҳудудларда 5,5 триллион сўм қўшимча маблағ қолдирилди. Бу 2017 йилга нисбатан 6 баробар, 2016 йилга нисбатан эса 32 баробар кўп демакдир.

асосида ижарага берилиши белгиланди[6].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугун мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий барқарорлигини таъминлашда, энг аввало, ишга яроқли бўлган қатламни иш билан таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий турмуш шароитини яхшилаш борасида «Ҳар бир оила – тадбиркор» шиори остидаги ислоҳотларни амалга оширишда пайдо бўлаётган тўсиқларни бартараф этишда қуйидаги ишларни бажариш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

❖ биринчидан, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш ва ижтимоий ҳаётини яхшилаш борасида қабул қилинаётган фармон, фармойиш ва қарорлар ижросини самарали таъминлашда қуйи ҳокимият органлари раҳбар ходимларининг замонавий менежмент борасидаги салоҳиятини ўстириш;

❖ қуйи ҳокимият органларига ўз вазифасини тушунадиган, малакали ва замонавий фикрлайдиган, ўз дунёқарашига эга бўлган ходимларни қўйиш;

❖ ҳар бир оиланинг имкониятларини ўрганган ҳолда уларни тадбиркорликка йўналтириш;

❖ тадбиркорликни амалга ошириш учун банк кредитларини олишда ошиқча қоғозбозликни камайтириш, берилаётган кредитларнинг фоиз ставкаларини камайтириш;

> Фаолият кўрсатмаётган ва фойдаланилмасдан турган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича масъулиятни кучайтириш, шунингдек, корхоналарни хўжалик фаолиятига жалб этиш, шу асосда янги иш ўринлари яратиш муҳим аҳамият касб этади.

❖ тадбиркорлик қилиш мақсадида банк хизматидан фойдаланишда таниш-билишчилик ва коррупцияга йўл қўймаслик. Мижозга кредит беришларни асоссиз равишда чўзишга уринишларга қонуний чекловлар қўйиш;

❖ тадбиркорлик қилиш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни тайёрлаш борасида аҳолига юридик маслаҳатлар берилишида давлат хизматларининг ишини янада такомиллаштириш;

❖ халқ давлат идораларига эмас, аксинча, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак, деган концепция янада жонлантирилиб, одамлар эмас, ҳужжатлар харакатланишини амалда қўллаш;

❖ тадбиркорликни амалга оширувчи фуқароларга ширкат хўжалиги, жамоа хўжалиги, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари томонидан бўш ётган бинолар «0» қийматида берилишида мансабдор шахслар томонидан коррупцияга йўл қўйилиши ҳолатларининг олдини олиш;

❖ солиқ сиёсатини тўғри ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган янгиликларни аҳолига тушунтириб боришда ОАВдан кўпроқ фойдаланиш, қисқача роликлар тайёрлаш ва кўрсатиб бориш тадбиркорликни ривожлантиришда самара берган бўлар эди.

Зеро, юртимизда тадбиркор ва ишбилармон кишилар қанчалик кўпайса, жамиятимиз ва давлатимиз шунчалик ривожланиб, юксалиб бораверади. Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади. Давлат бюджетига тушаётган солиқларнинг кўпайиб бориши эса ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини оширишга замин яратади.

ABSTRACTS

ENTREPRENEURSHIP IN UZBEKISTAN AS THE FACTOR OF ENSURING SOCIO-ECONOMIC STABILITY

The article outlines the importance of small business and private entrepreneurship and family business in socio-economic development of the country, ensuring employment of population and preventing unemployment, as well as their effectiveness in development of socio-economic sphere. Also, the stages of development of Uzbekistan in the years of independence have been analyzed.

ЎзА фотосуратларидан фойдаланилди.

[6] *Музаффар Намозов. Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, мавжуд имкониятларни ишга солиш орқали бўш иш ўринлари яратишга қаратилаётган эътибор яхши самара бермоқда.// http://uza.uz/oz/society/ish - uslubining-zgartirilgani-tara-iyet-garovi-06-09-2018.*

ЯПОНИЯ ҲУКУМАТИ ИҚТИСОДИЁТНИ ЖОНЛАНТИРИШ, ШУ ЖУМЛАДАН, ЭНГ КАМ ИШ ҲАҚИНИ ОШИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ

Ҳукумат иқтисодиётни жонлантириш, шу жумладан, энг кам иш ҳақи миқдорини ошириш, «бандликнинг музлик даври авлодлари»-ни қўллаб-қувватлаш ва Интернетда маъмурий тартиб-таомилларни илгари суришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини эълон қилди.

Июнь ойининг охирида қабул қилиниши лозим бўлган, давлат иқтисодий ва фискал сиёсатининг йўриқнома тусидаги ҳар йиллик тамойиллари бир қисми ҳисобланган мажмуа бош вазир Шинзо Абэнинг иқтисодий ва фискал сиёсати бўйича Кенгаши мажлисида тақдим этилди.

Охирги уч йил давомида энг кам иш ҳақи миқдори йилига тахминан 3 фоизга оширилган. Хусусий секторга оид гуруҳларнинг аъзолари энг кам маошни жорий йилда тахминан 5 фоизга оширишга чақиришган.

Бандликнинг музлик даври авлодлари деб аталувчи, яъни 1990 йилларнинг бошида мамлакатда иқтисодий пуфак ёрилгандан кейинги даврда бутун кучи билан иш қидиришга ҳаракат қилган 30 ёшдан 40 ёшгача бўлган оралиқдаги кишилар учун ҳукумат муттасил ёрдам беришнинг уч йиллик дастурини амалга оширмоқчи. Хусусан, дастур беқарор меҳнат шароитларида ишлаётган ёки ўзига ёқмаган иш билан банд бўлган, бошқа иш қидираётган кишиларга ёрдам беради.



«Биз янги иш ёки яхшироқ карьера қидираётган кишиларни қўллаб-қувватламоқчимиз», – дея баёнот берди иқтисодий тикланиш вазири Тошимицу Мотеги комиссиянинг мажлисидан кейинги матбуот анжуманида.

УКРАИНА ОЛТИН ЗАХИРАСИНИ СОТИБ ЮБОРМОҚДА

Украина Миллий банкининг раҳбари Яков Смолий 2019 йилнинг май ойида мамлакатнинг олтин-валюта захиралари 1,2 миллиард АҚШ долларига – 20,5 дан 19,3 миллиард АҚШ долларигача қисқарганлигини маълум қилди.

Нашрнинг ахборотига кўра, бу давлат қарзи бўйича катта ҳажмдаги тўловлар билан боғлиқдир. Мазкур ойда бу тўловлар икки миллиард АҚШ доллари атрофида бўлди.

Смолийнинг сўзларига кўра, йилнинг охирига қадар Киев беш миллиард АҚШ доллари миқдоридаги ташқи ва ички қарзларни тўлаши керак.

Украина ҳукуматидагилар тўловларни барқарорлаштириш учун ХВЖ яна икки миллиард АҚШ доллари ажратишига умид боғламоқда. Шу билан бирга, жамғармада қайд этишларича, навбатдаги транш янги Олий Рада сайлангандан ва ҳукумат шакллантирилгандан кейин ажратилади.

Бизнесмен Игорь Коломойский Украина президенти Владимир Зеленский ХВЖнинг ёрдам дастуридан воз кечиши ёки ташқи қарз бўйича дефолт эълон қилиши зарурлигини олдинроқ айтган эди. Истеъфога чиққан Украина бош вазири Владимир Гройсман эса дефолт ҳақидаги гап-сўзларнинг ўзиёқ мамлакат учун зарарли, деб ҳисоблайди.

Олий Раданинг «Мухолифат платформаси – Ҳаёт учун» («Оппозиционная платформа – За жизнь») партиясидан бўлган депутати Сергей Левочкиннинг айтишича, Украинанинг давлат қарзини сўндириш ва хизмат кўрсатишга кетадиган тўловлари жорий йилда давлат бюджетининг деярли 40 фоизини ташкил этади. Унинг қайд этишича, фақат иқтисодиётни жадал ривожлантиришгина бюджетнинг даромад қисмини ҳақиқатда ошириши мумкин.

РОССИЯДА МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЮШМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Россияда Молиявий саводхонликни ривожлантириш уюшмаси иш бошлади. Уюшма кузатув кенгашининг аъзолари 30 май куни Россия Банкининг биринчи мажлисида молиявий саводхонлик бўйича лойиҳаларни танлаш тизимини шакллантириш, молиявий маърифатпарварлик кўнгиллиларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш ҳамда фаолиятнинг бошқа йўналишларини муҳокама қилишди.

Уюшмага Марказий банк ва молиявий бозорнинг профессионал иштирокчилари томонидан молиявий саводхонлик соҳасида хусусий ва жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида асос солинган. Уюшманинг яна бир мақсади – фуқароларни молиявий саводхонликни илгари сурувчи кўнгиллилар ҳаракатига жалб этиш, кўнгиллиларни саралаб олиш ва тайёрлашдан иборат.

МБдан хабар беришларича, ҳозирги кунда таркибига 19 ташкилот кирувчи уюшма жорий йилнинг кузига бориб

молиявий саводхонлик бўйича энг сараланган лойиҳа ва ташаббуслар, молиявий маърифатпарварлик кўнгиллиларининг турли хил мақсадли аудиториялар билан ишлаш услубиятлари, ушбу услубиятларни амалиётга жорий этиш бўйича лойиҳалар ташаббускорларининг тажрибасини тақдим этади.

Молиявий маърифат кўнгиллиларининг ҳаракати давлат рўйхатидан ўтказилиши ва уюшма молиявий кўнгиллиларнинг бутунроссия ва минтақалараро конгресслари бош ташкилотчиси бўлиши режалаштирилмоқда. Кўнгиллиларни жалб этиш мақсадида уюшма бутун мамлакатдаги олий ўқув юртлари ва кўнгиллилар бирлашмалари билан фаол ҳамкорлик қилишга бел боғлаган.

Яқин орада уюшманинг сайти яратилади, унда молиявий саводхонлик бўйича ташаббуслар каталоги ва молиявий маърифат кўнгиллиларининг реестри жойлаштирилиши мўлжалланган. Уюшмада эксперт ва васийлик кенгашлари шаклантирилади.

БАНКЛАРНИНГ ОНЛАЙН-МИЖОЗЛАРИ БОШҚАЛАРГА ҚАРАГАНДА 15% КЎП ХАРАЖАТ ҚИЛИШАДИ

Банк мижози онлайн-хизматларга ўтаётганда унинг ўртача транзакциялари миқдори 15%га ошмоқда. Москва Кредит Банкининг экспертлари банкнинг масофавий хизматлари ва маҳсулотларидан фойдаланилишини таҳлил қилиш асосида шундай хулосага келганлар.

Рақамли каналларга турли даражаларда уланган мижозларнинг транзакциялари давомийлиги, ўртача чек ва ҳисобрақамдаги қолдиқ кўрсаткичлари солиштирилган.

Тадқиқотга кўра, масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи мижозлар харидларни рақамли бўлмаган мижозларга қараганда тез-тез ораликда ва йирик миқдорларда қилишга мойилдирлар.

Тадқиқот рақамли мижозлар рақамли бўлмаган мижозларга нисбатан фаолроқ бўлиб, ўзаро рақамли алоқаларнинг ортиши истеъмолчилик фаоллиги кўтарилишига олиб келади, деган тахминга асосланган эди.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

XALQ BANKI

Акциядорлик тижорат Халқ банки
Сизларга қулай ва даромадли бўлган янги «ХАЗИНА-3»
муддатли омонат турини таклиф этади.

Сиз ушбу омонатга маблағ қўйиб,
йиллик 19 фоиздан 21 фоизгача
қўшимча даромадга эга бўласиз.

Ҳисобланган фоизлар Сиз истаган
усулда ойма-ой тўлаб берилади.

Қўшимча маълумотларни
банкнинг ҳудудий филиалларидан,
ёки 71-200-00-55, 78-120-17-57
телефон рақамлари орқали,
www.xb.uz сайтидан
олишингиз мумкин.

Унутманг, Халқ банкидаги маблағингиз ишончли
сақланиши давлат томонидан кафолатланади.

Хизматлар лицензияланган

QISHLOQQURILISHBANK

ЮРТДОШЛАРИМИЗГА МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

«Инсон манфаати»

омонат муддати – 13 ойдан 25 ойгача

фоиз ставкаси – йиллик 20%

«Келажак бунёдкори»

омонат муддати – 25 ойдан 36 ойгача

фоиз ставкаси – йиллик 21%

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

«Қишлоқ қурилиш банк» – фаровон ҳаётингиз хизматида!

Мурожаат учун тел.: (+998) 78-150-93-39, 78-150-72-58

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган

Уб. 42682с.

NBU

КАРТОЙ ПЛАТИ И В ОТПУСК ЛЕТИ

*Совершайте покупки кобренд картой **VISA** и за каждую покупку получайте мили. Копите мили и обменивайте их на полеты в любую страну. Можно также повысить класс уже купленного рейса с помощью миль. Получите в подарок **1000** миль и страховку. Привилегированная кобренд карта дает владельцу скидки от **5** до **20%** на услуги партнеров программы **VISA**.*

uznbu nbu_official @nbu.official www.nbu.uz 78 148 00 10

Услуги лицензированы